

ФИТРАТ- МИЛЛАТИМИЗНИНГ АСЛ МАЪРИФАТПАРВАР ҚАҲРАМОНИ

Зулфия Якубова

*Ўзбекистон давлат хореография академияси
Урганч филиали Лазги бўлими бошлиғи*

А.Фитрат шеърияти ва "Мунозара" асарининг адабий, тарихий таҳлили

Аннотация: Ушбу илмий мақолада жадидчилик ҳаракатининг илоғор намояндаларидан бири А.Фитрат ҳаёти ва ижодий фаолияти унинг "Юрт қайғуси" шаъри, "Юрт қайғуси" (сочма), "Мунозара" асарининг асосий ғоялари ва юқоридаги асарларининг ўз давридаги ва бугунги кундаги аҳамияти хусусидаги фикрлар кенг ёритилган.

Калит сўзлар: Жадидчилик, илм- маърифат, шеърият, асар, тарих, эрк, озодлик, миллат, мустақиллик, мутолаа, турон, мударисжўғрофия, Бухоро, мусулмон, миллий уйғониш.

XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракати кучайди. Бу ҳаракатнинг етакчиларидан бири Абдурауф Фитратдир. Фитрат йирик адиб, олим, драматург ва сиёсий арбоб сифатида тарихда муҳим ўрин эгаллайди. Унинг кўплаб машҳур асарлари бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Фитрат ўз асарларини Шарқ ва Ғарб адабиётларини ва анъаналарини ўрганган ва Ислом қоидаларини ҳурмат қилган ҳолда ёзганлиги сабабли ўз мавқъеини йўқотмаган. Аслида "Жадид" сўзининг маъноси янги деган маънони билдиради. Фитрат миллатни янги давр сари уйғотган халқ намоёнрасидир.

Фитрат тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган.

1991 йил 1- сентябрь миллатимиз тақдирида зиё сари туб бурилиш содир бўлган улуғ кундир. Мустақиллик даврига қадар халқимиз маърифатдан айро сақланиб келинди. Кўплаб маърифатпарварларимиз бошига турли савдолар ёғилди ва уларнинг номи сунъий тарзда ўчирилишига ҳаракат қилинди.

Ўзбекнинг ўрни фақат пахта даласида эканлиги, унинг инсонийлиги ҳам қаҳрамонлиги ҳам етиштирилган пахтаси билан ўлчанганлиги борасидаги қарашлар халқимизга зўрлаб сингдирилди.

Бироқ истиқлол шарофати билан тарихий ҳақиқатлар тикланди ва биз ўзлигимизни англай бошладик. Номи унитилган маърифатпарварлар шаънига ёғилган тухматлар олиб ташланди ҳамда уларнинг рисоалари тўсиқларсиз кенгроқ тадқиқ этила бошлади.

Бундан 40-50 йил олдин жадидлар номи кўпчилик учун нотаниш бўлган бўлса, ҳозирда ҳар бир юртдошимиз жадидлар ваулар вужудга келтирилган маърифий ҳаракатлар ҳақида тобора кўпроқ масъулиятга эга бўлишмоқда.

Жадидлар ўз вақтида жамият таназзулининг асосий сабаби бу аҳолининг илм маърифатсизлигига қарши муносиб кураш олиб боришган. Уларнинг ҳар бири миллатимиз қаҳрамони, улардан қолган ҳар бир маънавий мерос эса олтиндан ҳам қимматдир. Шу ўринда биз зиёлилар педагоглар маърифатпарвар жадидчи боболаримизнинг илмий- маънавий меросини ўрганишимиз ва ёш авлодга ўргатишимиз лозим. Чунки жадидчи боболаримизнинг асл мақсади миллатни озод, саводли бўлишини, миллий урф-одатларимизни, тарихимизни қайтаришни истаганлар, чунки тарих миллат ва халқнинг ҳақиқий фалсафасидир.

Жадидчилик ҳаракатининг энг илғор намояндалари бири Абдурауф Фитратдир.

Абдурауф Фитрат 1886 йили Бухорада туғилган. У ёшлигидан бошлаб илм-маърифатга қизиққан ёшлардан бири эди. Садриддин Айний Фитрат тўғрисида шундай деган эди. “Фитрат ўз замонасининг энг илғор ёшларидан бири эди”.

Фитратнинг ҳаёт йўлига назар соладиган бўлсак, у халқни айниқса, ёшларни балки, аёлларни ҳам саводли бўлишни истаган ва жон тани билан шунга ҳаракат қилган.

Унинг шеърларини, насрий асарларини ўқир эканмиз, халқни севганлигини, миллатни келгусини мустақил халқ бўлишини истаганлиги сезилиб туради.

Мисол ўрнида “Юрт қайғуси”(сочма)асаридан айрим сатрларни келтириб ўтиш мумкин.

Эй улуғ Турон, “арслонлар ўлкаси” ! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? Ушбу сатрларда “арслонлар ўлкаси” деб таъриф берилганлигининг ўзи миллатнинг кучлилигига ишора эмасми?

Дунёни “урқо”лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер титроғини кўкларга учиратурган тоғ ўғлонларинг қани? Нечун товушлар чиқмайди?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Бу сатрлар Фитрат юрагидан вулқондай отилиб чиққан аламли нидолар эмасми? Гапур менга эй улуғ Турон арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?! Яна Фитратнинг шу асаридан намуналар келтириб ўтсак.

Туроним, сендан айрилмоқ- менинг учун ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ- менинг тириклигимдир. Ушбу сатрлар ўз элини Туронини жонидан севган битта фидойи инсоннинг қалб туғёни битилган сатрлар.(2.7-8 бет)

Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ёвларинг сени шу кунгами солдилар?

Тилагим, истагим, саодатим!

Болалаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар?

Суюнчим, овунчоғим, ўчоғим!

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?

Йўқ сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир мана мен чин кўнгли билан сенинг йўлингда ўлурға рози.

Мен сенинг учун тирилдим,

Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман!

Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!

Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!

Мен бу мисраларни ўқиб вужудим титраб кетди, Халқ учун, миллат учун бундан-да ортиқ мисралар битиш мукинми?

Эй, Фитрат бобом бунчалар бағри ёниқ, бунчалар халқсевар, миллатсевар фидойи инсон бўлгансиз!

Фитратнинг бир ўзбек тилидан ёзилган ўтли ниadolари ила битилган мисралар, бу мисраларни ўқиб қалбга жойламаган инсонни мен ватанпарвар дейишга ожизман.(2.9-10 бет)

Фитрат назарида “Жадидчилик” ҳақиқий илм бешигидир.

Фитратнинг “Мунозара” асари иккита (образ) асар қаҳрамони орқали инсонларни илмли бўлишга ундайди.

Асар муқаддимасида Фитрат шундай ёзади: Бухоронинг нажиб (ёруғ юлдуз)миллати бўлган ватандошларим, бир мунча вақтдан бери жадид қадим ўртасида ихтилоф чиққанинг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир.Муқаддас ватанимизни парчалаб унинг аҳли жамоасини жадид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар.

Бухоролик Абдурауф Фитрат Ҳиндистонда бир Фаранги ила бухоролик Мударрис нинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси.

Фаранги: Аҳволингиз қандай?

Мударрис: Алҳамдулиллоҳ, ала қулли ҳолп.

Фаранги: Жаноб сиз қаерликсиз?

Мударрис:Аҳли Бухораи шариф.

Фаранги: Қаерга кетяпсиз?

Мударрис: Байтуллоҳға.

Фаранги!Бухорада нима иш қилар эдингиз?

Мударрис: Мен илм аҳлиданман, муддарислик қилар эдим. Улар суҳбат жараёнида Фаранги Бухоронинг жами аҳолиси қанча? Деб сўраганида Мударрис аниқ жавоб бера олмади.

Фаранги:Жуғрофия ҳикоят китоб эмас, илмий китобдир.

Фаранги ана Мударрисга халқимизнинг қанча қисми илмли деб сўраганида Мударрис: йўқ ўшал етмиш минг шахрийдан бошқаси илмдан бебахра авомдир.

Фаранги: Бу авомнинг зарурий хат саводи борми?

Мударрис:Э, вой биз уларни ҳисобламаймиз.

Фаранги:Энди айтингчи Бухорода аёллар ҳам таҳсил оладиларми ёки йўқ?

Мударрис: Йўқ аёллар таҳсил кўрмайдилар. Суҳбат жараёнида фаранги мударрисга араб тили дин томонлама ҳам саволлар берганида у тайинли жавоб қайтара олмайди.Фаранги Мударрисга янги мактаблар очиш хусусида гапирганида у “Йўқ ,мамлакатимизда бу мактабни ҳаргиз очмаймиз “ деб жавоб беради. (2.28-41-47)

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, Фитратнинг “Мунозара” асари ўша давр учун илмга ундовчи халқ фикрини озодлик ҳурлик учун уйғотувчи асар эди. Бу асар орқали Фитрат халқимизнинг анча саводсизлигини мударрис орқали очиқ ифодалаб берган.

Фарангининг фикрларидан сўзларидан эса ўша даврда ўзбек аёлларини саводхон қилиш лозимлиги диолог орқали ўта таъсирчан қилиб ифодаланган. Биз ижодкорлар Фитрат асарларини ўқиб ўрганишимиз ёшлар қалбига маърифатпарвар боболаримиз истиқлолга, эркакка эришиш йўлидаги заҳматларини сингдиришимиз Ватанга бўлган меҳр муҳаббатини оширишимиз лозим. Зеро, ёшлар бизнинг келажагимиз экан уларга ота боболаримизнинг фидойилиги ҳақидаги асарларни ўқишга даъват этишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ижтимоий тармоқлар
2. Жадид адабиёти дурноналари.
Абдурауф Фитрат “Юрт қайғуси”.“Турон замин” нашриёти. Тошкент-2024
- 3.Фитрат “Адабиёт қоидалари”Т.” Ўқитувчи” -1995 й
- 4.Фитрат Абулфайзхон.Т.Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- 2019